

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
“Навоий вилояти телерадиоканали”

ДМ директори

А.Муқимов

« 12 » « декабрь » 2025 й

“Навоий вилоят телерадиоканали” давлат муассасаси умумий йиғилишининг
БАЁННОМАСИ

№ 28

Навоий шаҳри

2025 йил 12 декабрь

Раислик қилувчи:

Навоий вилоят ТРКси директори
А.Муқимов

Қатнашдилар:

Ғ.Абдусаламов, Н.Холмирзаева,
М.Умиров, О.Мажидов, А.Суяров,
Ф.Уктамова, Ф.Хусинова, А.Муродов,
К.Ахмат ова ва барча ходимлар

Таклиф этилди:

Навоий вилояти адлия бошқармаси
хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш
бўйича бош маслаҳатчи А.Саидов

КУН ТАРТИБИ:

Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2024 йил 25 сентябрдаги “Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва тизимида корхона-ташкilotлардан коррупцияга қарши курашиш сиёсатини белгилаш тўғрисида”ги 30-сонли буйруғига асосан корхонада коррупция ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш тўғрисида

Кун тартибидаги масалалар юзасидан вилоят телерадиоканали директори А.Муқимов сўз олиб, кейинги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида муҳим ташкилий-ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилиб келинаётганлиги, коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар олдини олиш мақсадида “Давлат хизматчилари онгига ҳалоллик вакцинасини сингдириш, коррупциявий хавф-хатарлар стратегик ечим ва муаммолар” мавзусида ходимларга сингдириш зурурлиги, шу билан бирга корхонада манфаатлар тўқнашувига йул қуймаслик, бундай ҳолатларга эътиборли бўлиш зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Корхонада манфаатлар тўқнашуви юзасидан трк бош юристконсулти А.Муродов ходимларга тушунтириш ишларини олиб бориб:

манфаатлар тўқнашуви – МТРК ходимининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахсининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, МТРКнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

манфаатлар тўқнашувини ошкор қилиш – ходимлар томонидан потенциал ёки реал манфаатлар тўқнашуви тўғрисида эълон қилиш тартиб-таомили;

манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш – МТРК томонидан ходимларнинг хизмат мажбуриятлари лозим даражада бажарилмаслиги ҳолати ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви юзага келганда уларнинг манфаатлари (шу жумладан шахсий, ижтимоий, мулкӣ, молиявий ва бошқа манфаатлар) МТРК манфаатларидан устун келиши хавфини камайтириш ёки бартараф этиш;

махаллийчилик – шахсни унинг наслий келиб чиқиши (аслзода ёки машхур сулола вакили эканлиги ва у жамоатчилик томонидан эътироф эътилганлиги) ҳамда яқин қариндошларининг эгаллаб турган хизмат мавқеи сабабли, унинг лавозимга қўйиладиган малака талабларига мос келиш-келмаслигини ҳисобга олмаган ҳолда ишга қабул қилиш, ротация қилиш ва лавозимга тайинлаш тўғрисида тушунча берди.

Йиғилиш давомида Навоий вилояти адлия бошқармаси хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича бош маслаҳатчи А.Саидов фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, давлат манфаатларини шахсий манфаатларидан устун қўйиш, ошкоралик, виждонлилик, ҳолислик асосида қарорлар қабул қилиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик бўйича профилактик чораларнинг устуворлиги, манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини кўриб чиқиш ва манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишда жамоавийликка амал қилиши, манфаатлар тўқнашуви аломатлари билан тавсифланган вазиятларни кўриб чиқиш, баҳолаш ва ҳал қилишга ҳолис ёндашиш лозимлиги тўғрисида гапирди.

Йиғилиш иштирокчилари томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар, келгусида коррупцияни олдини олиш борасида амалга оширилиши зурур бўлган ишлар борасидаги таклифлар инобатга олиб йиғилиш

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Кун тартибидаги масалалар юзасидан барча берилган ахборотлар маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. директор ўринбосари Ғ.Абдусаламов, Бош юристконсулт А.Муродов, Инсон ресурслари бўйича мутахассис Ф.Хусиноваларга:

Тизимда манфаатлар тўқнашувини олдини олиш борасида ишлар самарадорлигини ошириш, келгусида Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2024 йил 25 сентябрдаги “Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва тизимида корхона-ташкilotлардан коррупцияга қарши курашиш сиёсатини белгилаш тўғрисида”ги 30-сонли буйруғи ва унинг иловалари асосида иш олиб борилишини назоратини олиб борилсин.

6. Масъуллар ушбу йиғилишида кўриб чиқилган масалалар ижроси юзасидан умумий йиғилишда ахборот бериб борсин.

7. Ушбу Бадиий Кенгаш йиғилиши қарори ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Баёнлаштирди:

Инсон ресурслари бўйича мутахассис _____



Ф. Хусинова